



## ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЎҚОТАР ҚУРОЛНИ ҚҮЛЛАШ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШИННИГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ.

Азимов Тохир Сайдович,

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлиги  
академияси ички ишлар органларининг маъмурий  
фаолияти кафедраси доценти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11392909>

### ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 21-may 2024 yil  
Ma'qullandi: 25-may 2024 yil  
Nashr qilindi: 30-may 2024 yil

### KEY WORDS

ички ишлар органлари ходимлари, жанговар қурол, ўқотар қурол, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, зарурий мудофаа, охирги зарурат.

### ABSTRACT

Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ходимлари томонидан ўқотар қуролни қўллаш ва ундан фойдаланишини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг таснифи, ўқотар қуролни қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари, айрим давлатлар полиция ходимлари томонидан ўқотар қуролни қўллаш ҳолатлари, ички ишлар органлари ходимлари томонидан ўқотар қуролни қўллашни тақиқловчи ҳолатлар ҳамда қандай ҳолларда қуролни қўллаш мумкинлиги ҳақида сўз юритилган.

Давлат жиноятчиликка қарши курашиш учун ўз ва жамоат манфаатларини ҳамда жамоат тартиби ва хавфизлигини ҳимоя қилишни таъминлашнинг кенг қўламли ҳуқуқий воситаларига эга бўлиб, ички ишлар органлари томонидан қўлланиладиган маъмурий чоралар уларнинг салмоқли қисмини эгаллайди.

Дунёning бир қатор давлатларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, махсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш бўйича ҳар бир давлатнинг қонунчилигига турли талаб ва тартибларни кўришимиз мумкин.

Таҳлилий маълумотларга назар ташласак, у ёки бу давлатда фуқаролар билан юзага келадиган турли муносабатларда куч ишлатар тузилмалар томонидан халқаро ташкилотлар томонидан белгиланган талабларга зид равища ўқотар қуролни қўлланилишини кузатишими мумкин.

Мисол учун, The Guardian газетасининг маълумотига кўра, Америка полиция ходимлари бир неча кун ичida бошқа бир неча давлатларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари томонидан бир неча йиллар давомида отиб ўлдирилгандан кўп одамни отиб ўлдиришини кузатишими мумкин. Австралияда охирги 19 йил ичida полиция томонидан отиб ўлдирилгандан кўп одам биргина 2015 йилнинг март ойида Америкада полиция томонидан отиб ўлдирилган<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> <https://knews.kg/2015/06/22/politsiya-ssha-za-den-ubivaet-bolshe-lyudey-chem-pravoohraniteli-drugih-stran-zaneskolko-let/>

Американинг Вашингтон Пост газетаси маълумотлар базасига кўра, 2021 йилда АҚШ полицияси томонидан камидаги 1055 киши отиб ўлдирилган. Бу эса 2015 йилда маълумотларни йиғиш бошланганидан бери энг юқори кўрсаткичдир<sup>2</sup>.

АҚШ қонунчилигида аниқ кўрсатмалар мавжуд эмас, шартлар ҳар бир штат ва туманда фарқ қиласи. 9 та штатда эса хуқуқни муҳофаза қиливчи органлар ходимлари томонидан ўқотар қуролни қўллаш бўйича умуман мавжуд эмас.

АҚШ полициясининг барча ходимлари учун полиция фақат жиноятчининг хатти-ҳаракати унинг ёки унинг атрофидагиларнинг ҳаётига таҳдид соладиган бўлса, ўт очиши мумкинлиги ҳақида жуда ноаниқ формула мавжуд. Таҳдид даражасини полициячининг ўзи белгилайди. Полиция ходимининг қурол ишлатганлиги ҳақидаги ҳар бир иши судда кўриб чиқилади ва у ерда полициячиларнинг ҳаракатлари қонунийми ёки йўқми деган қарор қабул қилинади. Кўп ҳолларда суд полиция ходими томонидан “тўғри қўлланган” деган қарорга келади.

Бизнинг мамлакатимизда, қонунчилигимизда бу борада қандай талаб ва шартлар белгиланган?

Хуқуқбузарларга нисбатан тўғри ва қонуний куч ишлатиш ички ишлар органлари ходимларининг шахс, давлат ва жамият манфаатларини ғайриижтимоий унсурларнинг ноқонуний хуружларидан ходим ўзини ва фуқароларни ҳимоя қилиш, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва сақлаш мақсадида қўллайдиган муҳим маъмурий мажбурлаш чораларидан биридир.

Хуқуқ-тартибот органлари маъмурий мажбуров чораларини амалга оширишда ўқотар қуролдан фойдаланадилар ва қўллайдилар. Хусусан, ички ишлар органлари ходимлари ҳам ўз ваколатлари доирасида бундай хуқуқдан фойдаланадилар.

Авваломбор, ўқотар қуролдан фойдаланиш ва уни қўллаш ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлдаги “Қурол тўғрисида”ги қонунига мурожаат қилишимиз лозим. Қонунда Ўзбекистон Республикасида қурол билан боғлиқ муносабатлар тартиба солинган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Давлат божхона қўмитаси, Электрон технологияларини ривожлантириш маркази, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ҳарбий тузилмалари қуроллантирилган ёки қуроллантиришга мўлжалланган, жанговар ҳаракатларни олиб бориш ҳамда хизмат вазифаларини бажариш учун мўлжалланган қурол жанговар қурол жумласига кириши белгилаб қўйилган<sup>3</sup>.

Ички ишлар органлари ходимлари “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасида кўрсатилган ҳолларда ўқотар қуролни қўллаш хуқуқига эга. Шунингдек, Ички ишлар вазирлигининг тегишли буйруғи билан тасдиқланган “Ички ишлар органлари ходимлари томонидан жисмоний куч ишлатиш, маҳсус воситаларни ва ўқотар қуролни қўллаш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома” асосида ўқотар қуролни қўллашдан олдин огоҳлантириш ҳамда огоҳлантиришсиз қўллаш талаблари белгиланган.

Шуни алоҳида кўрсатиб ўтиш лозимки, ўқотар қуролдан фойдаланиш хуқуқи, бошқа воситалар (шу жумладан жисмоний куч ва маҳсус воситалар) билан ноқонуний ҳаракатни тўхтатишнинг иложи бўлмагандаги қўлланилади.

<sup>2</sup> <https://www.dw.com/ru/wp-policejskie-ssha-v-2021-godu-zastrelili-bolee-tysjachi-chelovek/a-60725869>

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 29 июлдаги “Қурол тўғрисида”ги ЎРҚ-550-сон қонуни // <https://lex.uz/docs/4445288>

Шунингдек, ички ишлар органлари ходими аёлларга, ногиронлик белгилари кўриниб турган шахсларга, ёши аниқ кўриниб турган ёки маълум бўлган вояга етмаганларга нисбатан ўқотар қуролни қўллаши тақиқланади. Бундан уларнинг қуролли хужум қилганлиги, қуролли қаршилик қўрсатганлиги ёки фуқароларнинг ёхуд ички ишлар органи ходимининг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид этиб, гуруҳ бўлиб хужум қилганлиги ҳоллари мустасно. Шу билан бирга, ўқотар қурол қўлланилиши натижасида тасодифий шахслар жабрланиши мумкин бўлса, ички ишлар органи ходими кўп фуқаролар тўпланганда ҳам уни қўллаш ҳуқуқига эга эмас.

Тадқиқот олиб борган Б.Фиёсовнинг фикрича, ижтимоий хавфли қилмишни тўхтатиш учун ўқотар қуролни қўллаш, сўнгги мажбурий "Ҳимоя чизиғи" дейишимиз мумкин<sup>4</sup>.

Шу нуқтаи назардан, ички ишлар органи ходимлари ўқотар қуролни ижтимоий хавфли тажовузлардан зарурий мудофаа, охирги зарурат ва ижтимоий хавфли қилмиш содир этган шахсни ушлаш вақтида Ўзбекистон Республикаси «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги қонуннинг 24-моддасида назарда тутилган асосларга кўра қўллаш ҳуқуқига эга.

Ички ишлар органи ходими қуйидаги ҳолларда ўқотар қуролни қўллаш ҳуқуқига эга:  
-фуқароларни ёхуд ўзини ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлган, зўрлик ишлатиш билан қилинган хужумдан ҳимоя қилишда;

-гаровдагиларни озод қилишда;

-ўта оғир жиноятни содир этиш чоғида кўриб қолинган ва яширинишга уринаётган шахсни ушлашда, агар бошқа воситалар билан бу шахсни ушлаш имкони бўлмаса;

-ички ишлар органларининг ўқотар қуролларини, ўқ-дориларини, портловчи моддаларини, транспорт воситаларини, маҳсус ва жанговар техникасини эгаллаб олишга бўлган уринишларга чек қўйишда;

-фуқароларнинг уй-жойларига, давлат органларининг ва бошқа ташкилотларнинг қўриқланадиган обьектларига, ўта муҳим юкларига, транспорт воситаларига, биноларига гуруҳ бўлиб қилинган хужумни ёки қуролли хужумни даф этишда;

-қуролли қаршилик қўрсатаётган шахсни, шунингдек ёнидаги қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни, портлатиш қурилмаларини, заҳарли ёки радиоактив моддаларни топшириш тўғрисидаги қонуний талабни бажаришни рад этаётган шахсни ушлашда;

-жиноят содир этишда гумон қилиниб ушлаб турилган шахсларнинг, ўзига нисбатан қамоқقا олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг қамоқдан қочиб кетишига чек қўйишда, шунингдек ушбу шахсларни куч ишлатиб озод қилишга бўлган уринишларга чек қўйишда;

-агар транспорт воситасининг ҳайдовчиси фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига ҳақиқий хавф туғдирса ҳамда ички ишлар органи ходимининг қонуний талабларига қарамай, тўхташдан бош тортса, ушбу транспорт воситасини шикастлаш йўли билан тўхтатишда;

-инсоннинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солаётган ҳайвонни зарарсизлантиришда;

-қурол ишлатиш нияти ҳақида огоҳлантириш сифатида ўқ отишда, юқорига қарата ёки бошқа хавфсиз йўналишда ўқ отиш орқали хавф-хатар сигнали беришда ёки ёрдамга чақиришда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ўқотар қуролни қўллаш ҳам, ундан фойдаланиш ҳам қонуний хатти-ҳаракат эканлиги сабабли, ушбу ҳуқуқни амалга ошириш муайян ҳуқуқ субъектларининг, хусусан ички ишлар органи ходимларининг ваколати доирасида амалга оширилади.

<sup>4</sup> Баҳриддин Фиёсов "Ўқотар қуролдан фойдаланиш ва қўллаш тушунчаларининг таҳлили // <https://www.researchgate.net/publication/348641521>

Хуноса қилиб айтганда, ички ишлар органлари ходимлари норматив-хуқуқий ҳужжатлар, хусусан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ҳамда идоравий норматив ҳужжатлар асосида фуқароларнинг ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда мол-мулкини муҳофаза қилиш мақсадида ўқотар қуролни қўллаши ва ундан фойдаланиши мумкинлиги белгиланган.

